



THE SIGNIFICANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF MAHMUD KASHGARI IN GROUNDWATER STUDY

Asror Nizomov

Associate Professor

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Tashkent, Uzbekistan

Nadira B. Sultanova

Associate Professor

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Mahmud Kashgari, underground water, scientific heritage, Devonian dictionary of Turkish, mirob.

Abstract: This article presents an analysis of the scientific heritage of Mahmud Kashgari, and its importance in the study of underground water is based on the results of the authors' scientific research.

Received: 02.12.22

Accepted: 04.12.22

Published: 06.12.22

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Асрор Низомов

Доцент

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тошкент, Ўзбекистон

Нодира Б. Султонова

Доцент

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маҳмуд Қошғарий, ер ости сувлари, илмий мерос, Девони луғотит турк, мироб.

Аннотация: Мазкур мақолада Маҳмуд Қошғарий илмий мероси таҳлили келтирилган бўлиб, унинг ер ости сувларини ўрганишдаги аҳамияти муаллифларнинг илмий тадқиқот натижаларида асослаб берилган.

ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ МАХМУДА КАШГАРИ В ИССЛЕДОВАНИИ ПОДЗЕМНЫХ ВОД

Асрор Низомов

Доцент

*Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами
Ташкент, Узбекистан*

Надира Б. Султанова

Доцент

*Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Махмуд Кашгари, подземные воды, научное наследие, девонский словарь турецкого языка, мираб.	Аннотация: В данной статье представлен анализ научного наследия Махмуда Кашгари, и его значение в изучении подземных вод основано на результатах научных исследований авторов.
--	---

КИРИШ

Ер пўстининг юза (12-15 км чуқурликкача) қисмидаги сув уч хил ҳолатда-суюқ, газ, қаттиқ (муз) ҳолатда учрайди. Ер ости сувлари ғовак жинслар орасидаги бўшлиқлар (масалан кум, шағал)да, зич кристал жинсларда ёриқларни, оҳақтош, доломит, мергел каби корбонатли, гипс, ангидрид каби сульфатли, туз, тош тузи каби хлоридли жинсларда карст бўшлиқларини тўлдиради. Баъзан ер юзасининг манфий рельеф шакллари бўйлаб булоқлар тарзида юзага чиқиб ётади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудлар қурғоқчил иқлимли бўлганлиги сабабли, дарёлар тўри жуда сийрак жойлашган ва шу муносабат билан ер ости сувининг аҳамияти каттадир. Бу ҳолат қадимги даврлардан буён мавжуд бўлган. Шу боисдан маҳаллий аҳоли ер ости сувларидан омилкорлик билан билан фойдаланиш борасида юқори малака тўплаган. Мавжуд сув ресурсларидан омилкорлик билан билан фойдаланиш маълум тартиб асосида йўлга қўйилган бўлиб, уни махсус амалдор шахс бошқариб турган ва уни “тузун” деб аташган (Махмуд Қошғарий, I том, 380-бет). Ушбу амал форсча – “мироб” яъни мири, об сувнинг ҳуқумдори подшохи деган тушунчага тўғри келади. Тузун – Мироблар ўта ҳақгўй, одил ҳар бир кишлок аҳлининг сувга бўлган талабини одиллик билан ечиб беришга қодир ва айни пайтда қаттиққўл шахслар бўлган. Масалан, шоир ва давлат арбоби, тарихчи олим Огаҳий худди шундай кишилардан эди. “Тузун” термини нақадар нодир халқ қадрияти бўлсада унга алоқадор топонимларни учратмадик. Балки кейинги тадқиқотлар натижасида, бирон ижобий натижага эришилди. Аммо “ТУЗУН” тушунчаси тўғри сўз,

ҳақгўй киши маъносида келиши мантиққа яқиндир. Чунки ушбу асарнинг ўтган саҳифаларида “Туз” тушунчаси – “тўғри”, деган маъно беришини Маҳмуд Қошғарий маълумоти асосида далиллаган эдик. Ҳақиқатан ҳам тузунлар элнинг энг одил, тўғри сўз вакиллари сифатида машҳур бўлишган. Эл ора тўғри сўз кишиларга нисбатан, “фалончи кўп тузук инсон”, -қабилдаги сўзлар тез-тез кулоққа чалинади ва у “тузун” тушунчасининг ҳамон йўқолиб кетмасдан, барҳаёт “яшаётганлигидан дарак беради”.

Туркий халқларда “Тузун” тушунчасига ўхшаш, аммо мазмунан ундан куллан фарк қилувчи “тимчи” халқ географик термини ҳам мавжуд. Тимчи ичимлик таёрловчи мазмунини ифода этади (Маҳмуд Қошғарий ДЛТ I китоб, II бет). Айнан ушбу термин иштирокида Каттакўрғон туманидаги қадимги Тим қишлоғининг номи шаклланган бўлиши эҳтимолга яқин. Чунки Тимда кўплаб булоқлар мавжуд бўлиб, водийни сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Булоқ тушунчасининг этимологияси хусусида Маҳмуд Қошғарийнинг қизиқарли маълумотлар мавжуд. ДЛТни таҳлил қилиш орқали ўрта асрларда, балки ундан ҳам олдинроқ булоқ тушунчаси ўрнида “*мицар*” сўзи қўлланганлиги аниқланди. Масалан, “*мицар чокради*”, - деганда, булоқ суви қозондаги сув қайнагандек қайнади, юзага чиқди деган маъно англашилади (Маҳмуд Қошғарий, III том, 295-бет). Шу боисдан суви юқорига томон отилиб, гўёки қайнаб турувчи булоқлар “*ўша даврларда*” “*чукрама*”, - деб аталган (Ўша асар, 453-бет). Булоқ сўзининг этимологияси хусусида гап кетар экан, аввалги бўлимларимизда таҳлил қилинган “*йи*” халқ терминини яна бир бор эслаш жоиз деб биламиз. Чунки, қадимги туркий халқлар булоқ кўзини “*мицар*”дан бўлак тарзда “*йўл*” тарзида ҳам ифода этишган. (Маҳмуд Қошғарий, III том, 158-бет). Бу нуқтада “*йи*” халқ географик терминининг иштироки аниқ кўриниб турибди. Кейинчалик “*йол*”га кичрайтирувчи аффикс қўшилиб “*йолак*”, янада кейинроқ у бирмунча талаффузда ўзгариш олиб “булоқ” тарзини олган. Шу тариқа “булоқ” тушунчаси шаклланган ва бизнинг давримизга қадар кейинги булоқ кўринишида етиб келган.

Замонамизда “булоқ” тушунчаси энг фаол топоним ясовчи ўзак тарзида иштирок этади ва унга юзлаб, топонимларни мисол тарзида келтириш заррача қийинчилик туғдирмайди.

Булоқлар суви ичимлик хусусиятидан ташқари, тиббий аҳамиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Шундай ҳолат юз берганда булоқлар қуйидаги қўшимчалар орқали ифодаланади ва ўзининг тиббий аҳамиятга эга эканлигини ифода этиб туради.

Хўжа – ҳуқумдор. Подишоҳ яъни булоқларнинг зўри деган мазмунда ёки ўта ихлос ва ҳурмат белгиси сифатида. Мисол учун, Сурхондарё вилояти, Хўжаипок дарёси ҳавзасидаги Хўжаипок олтингугурт водородли булоғи. Худди шу ном билан Қашқадарё вилояти,

Дехконобод туманида ҳам булоқ мавжуд. Хусусан турли тери кассаликлари, ҳазм қилиш, ошқозон, ичак кассаликларини даволашда самарали қўлланилади.

Аччи – аччиқ таъм берганлиги учун ўнлаб булоқлар Аччибулоқ номи билан аталади. Чунки, сувнинг таркибида калий, магний каби минераллар эритмаси мавжуд. Мачайдарёнинг ўнг ирмоғи, Шўробсой ҳавзасида Аччи номли булоқ бор. Юрак фаолияти, асаб тизими кассалликларида наф беради.

Чилла – Тери касалликлари, хусусан ҳали чилла (қирқ кунлик бўлмаган)си чиқмаган чақалоқларнинг баданида пайдо бўлган тошмаларни, яраларни бартараф этувчи минерал булоқлар.

Қўтир – ушбу гуруҳдаги булоқлар ҳам турли тери касалликлари, айниқса, экземани даволашда муваффақиятли самара беради. Мисол учун Самарқанд вилояти, Қўшробот тумани, Оқтепасой ҳавзасидаги Қўтирбулоқ шундай хусусиятга эга.

Сассиқ – таркибида олтингугурт водороднинг эриган ионлари бўлганлиги сабабли палағда тухум ҳидини берувчи булоқлар табиий географик хусусиятидан келиб чиқган ҳолда “сассиқ сув” ёки қисқартирилган ҳолда “сассиқ” деб аталади. Улар ҳам тиббий аҳамиятининг юқорилиги билан ажралиб туради. Самарқанд вилояти, Қўшробот тумани, Оқтепасойнинг ўрта ўнг оқимида Сассиқ деган булоқ бор.

Шибар – шибар ёки шибар “балчиқ, ботқоқ” деган тушунчага тўғри келади (З.Дўсимов, Х.Эгамов, 1977, 127-бет). Аслида доимо юзи нам бўлиб, суви чиқиб турадиган яра, тери касалликларини ҳам халқ иборасида “шибар”, “швар” деб айтилиши маълум. Ушбу ибора айниқса ўзбекларнинг қўнғирот уруғи кенг тарқалган Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳозирга қадар жонли муамолада иштирок этади. Шибар яраларни даволайдиган булоқларни ҳам шу ном билан аташади. Мисол учун Сурхондарё вилояти, Узун тумани ҳудудида, Тўполондарёнинг ўрта оқимида Шибарбўйин деган маъданли булоқ мавжуд.

Гармоб- форсча- Гарм-иссиқ, об сув демакдир – Ер пўстининг қуйи қатламларидан кўтарилиб чиққанлиги учун ҳарорати баланд, таркибида минераллар миқдори юқори бўлган булоқлар. Обизаранг дарёси (Сурхондарё вилояти, Узун тумани ҳудудида) ҳавзасидаги, Тожикистондаги Гармоб булоғи.

Оби шифо – Шифо бўлувчи сув деган мазмунга эга ва у шундай хусусиятли булоқлар сувининг таркибида турли минераллар мавжудлиги туфайли шаклланган. Тўполондарё ва Мачайдарё (Сурхондарё вилояти) ҳавзаларида Оби шифо номли булоқлар мавжуд.

Ота қўшимчали булоқлар. Сувга нисбатан бўлган юқори эътиқод, ҳурмат юзасидан ишлатиладиган қўшимча Нурота тизмасининг ғарбий қисмидаги Нурота, Туркистон тизмаси, Сангзор дарё ҳавзасидаги Авлиё ота, Қўшробот тумани, Оқтепасой ҳавзасидаги

Балиқчи ота, Кўшработ тумани, Ғужумсой ҳавзасида Ғужумота, Сурхондарё вилояти, Келиф Сарикамиш тоғи этагидаги Зангиота булоқлари шулар жумласидандир. Ушбу булоқлар суви нафақат юқори ичимлик даражаси ва айрим кимёвий компонентларига бойлиги туфайли шифобахшлик хусусиятга ҳам эга.

Арашон – Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёдаги энг қадимги топонимлардан бири бўлиб Арашон санскритча “*оби ҳаёт*” демакдир. Демак топонимнинг шаклланиш вақти милoddан аввалги даврларга бориб тақалади. Иссиқ шифобахш сувли кўпгина минерал булоқлар Арашон деб юритилади. Ҳозирги вақтда, асосан, географик номлар таркибида қолган арашон, арасан шаклларида нафақат Ўрта Осиё худуди бўйлаб, балки унга ёндош ўлкалари хусусан Сибирда ҳам мавжуд. Арашон, Арашанбулоқ, Арашансой, Олмаарасан, Оқарсан ва бошқалар (С.Қораев, П.Ғуломов, Р.Раҳимбеков, 1979, 15-бет). Арашанларнинг энг машҳури Тошкент вилояти, Оҳангарон водийсида 2500 м баландликда гранит қатламлари ёриғидан чиқадиган иссиқ сув (37 °С)ли минерал булоқдир.

Булоқлар кўпгина ҳолатларда нафақат сувининг ичимлик даражаси юқори ёки катта тиббий хусусиятли, балки юксак рекреация аҳамиятига эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай булоқлар маҳаллий аҳоли томонидан юксак эъзозланиб, унга ҳурмат эътибор, юксак эътиқод билан қарашади ва булоқ номининг қисмига “Хўжа” улуғловчи қўшимчасини қўшиб аташади.

Хўжаи Шар-шар ёки *Шаррак Мозор*. Сангардак дарё ҳавзасининг ўрта қисмида, Сурхонтоғ куэстасини ҳосил қилувчи қалинлиги 250-300 м. дан иборат юра даврига хос оҳактошлар қатламлари аро, бирнеча қават карст бўшлиқлари бўйлаб, 150-170 м. баландликдан шаршараҳосил қилиб тушади. Сувнинг асосий чиқиш жойи тўрт нуқтадан иборат. Шимоли-шарқ томони 20-25⁰ қияликда ётган оҳактош қатламлари орасидан сизиб чиқади. Сувнинг биринчи нуқтаси дарё ўзанидан 150 м. баланликда. Баҳор ойлари унинг сув сарфи секундига 50-60 литрни ташкил этади, аммо, ёзда қуриб қолади. Ёриқ бўйлаб 200-250 м. юрилса, у дарё ўзани томон 50 метрлар пастлайди ва тахминан 10 м. лар баландликдан ўртадаги булоқ чиройли шаршара шаклида атрофга гўзаллик бахш этиб, қоядан шолалалар ҳосил қилганича пастга интилади. Булоқнинг сув сарфи секундига 300 литр. Сув чиқаётган қатлам шимоли-шарқ томонга пастлай бориб, 200 метрлардан кейин учинчи нуқта (бу ерда сув сарфи секундига 10 литрга тенг), худди шунча масофадан сўнг, тўртинчи сув чиқаётган нуқта кўринади. Бу ерда эса секундига 5 литрлар сув оқади. Аммо ёз фаслида қуриб қолади (А.Низомов, 1989, 41-бет). Шу тариқа булоқ ўзининг тенглаб бўлмас нодир ландшафт ҳосил қилиши туфайли эъзозланиб “*Хўжа*” даражасига етишган. Ушбу лимноним этимологик хусусиятига кўра ўрта асрлар тарихига дахлдор деб билиш мумкин. Чунки “*Саид*”, “*Хўжа*”, “*Эшон*” қўшимчалари арабий келиб чиқишига эга бўлиб,

улар бизнинг ўлкамизда IX-X асрлардан эътиборан кенг ёйила борди. Демак булоқнинг хўжайи Шар-Шар, Шаррак мазор деб аталишига сабаб, унунг шар-шара ҳосил қилиши туфайлидир. Чунки Шариллоқ, Шар-Шара, Шаррак сўзлари бир хил маъно беради.

Хўжа Майхона ота – Мачайдарёнинг чап соҳилида, Дарбанд қишлоғи етмасдан бошланадиган тор танги бўйлаб, кириш қисми 2,5 м га 3 м бўлган улкан ғордан чиқиб келади, Сувнинг энг кам кузги миқдори 2000 л/с бўлиб ҳарароти 10 °С. Сув қорамтир тусда товланиб, юзага чиқаётганда киши ақлини шоширадиган вазоҳатга эга бўлсада ва дабдурусдан шунча миқдордаги сув ер тагидан чиқиб келаётганига ишонаолмай қоласан киши. Мана шундай руҳий кечинмалар ҳосил қила олганлиги учун булоқнинг номи Хўжа Майхона ота. Хўжа Балиқли отадир Маи-форсийда балиқ, хона-жой, макон тушунчасини беради. Чунки булоқ сувида йирик “маринка” балиқлари бемалол сузиб юради. Уларни ҳеч ким тутмаслиги ва озор бермаганлиги учун кишилардан ортиқча чўчимайди.

Хўжакент – Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги нодир табиий ёдгорлик. Бу ерда нафақат кучли карстланган доломит қоялари, чиройли бир жуфт шаршара, ёки қадимги қоя суратлар, балки Хўжакент булоғи барчаси яхлит ҳолда уйғун нодир ландшафт ҳосил қилади ва Хўжакент, яъни Хўжалар шаҳри деб аталади. Аслида ҳам ушбу макон буюк шайх, Хўжа Ахрори Валийнинг қадамжоларидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Маҳмуд Қошғарий. Девону Лугиатиб турк (Индекс-лугат) Ўзб.ССР. "Фан" нашрети. Т., 1967.
2. Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. "Гофур Ғулом" номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Т., 2017. 70-бет.
3. Маҳмуд Қошғарий Девону лугатит турк 1 том Т., Ўзб. ССР Ф.А. нашриёти. 1960. 433-бет.
4. Маҳмуд Қошғарий Девону лугатит турк. Ўзб. фанлар. ак. нашр. Т., 1963.
5. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи” 1977. 174 б.
6. Қораев С. Географик номлар маноси Г. Ўзбекистон”. 1978
7. Қораев С. Ғуломов П. Раҳимбеков Р. Географиядан изоҳли лугат. Т., "Уқитувчи". 1979.
8. Қораев С – Ўзбекистон вилоятлари топонимлари “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” давлат илмий нашриёти. Т.2005.
9. Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. Т. “Ўқитувчи” 1994.

10. Ғуломов П. Мактаб жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи” 1994. 140 бет.
11. Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Изд. А.Н. Узб. Т., 1959 г.
12. Низомов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси. Т., “ГИДРОИНГЕО” 2008.
13. Низомов А. Ҳисор булоқлари. Т., Меҳнат, 1989.